



КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

PhD Абдуллаева Севарахон

Фарғона давлат техника университети

ORCID: 0000-0002-8596-2473

sevarikabdullayeva@gmail.com

Аннотация. Тўқимачилик саноати корхоналарининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган чора-тадбирлар мақолада ёритилган бўлиб, молиявий хатарларни камайтириш, активлардан самарали фойдаланишни оптималлаштириш ҳамда капитал ва захираларни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, белгиланган тадбирларнинг ижросини ва мақсадли натижаларга эришиш жараёнини тизимли назорат қилиш имкониятини берувчи KPI тизимини жорий этишнинг аҳамияти таъкидланган. Таклиф этилган ёндашув корхоналарнинг узоқ муддатли иқтисодий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: молиявий барқарорлик, молиявий танқислик, активлардан фойдаланишни оптималлаштириш, захиралар, корхона капитали, мажбуриятлар.

УКРЕПЛЕНИЕ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ

PhD Абдуллаева Севарахон

Ферганский государственный технический университет

Аннотация. В статье рассматриваются основные направления укрепления финансовой устойчивости предприятий текстильной промышленности. Особое внимание уделено разработке и реализации мер, направленных на снижение финансовых рисков, оптимизацию использования активов, а также повышение эффективности управления капиталом и резервами. Подчеркивается значимость внедрения KPI-системы, обеспечивающей системный контроль за выполнением указанных мероприятий и достижением целевых результатов. Предложенный подход способствует повышению долгосрочной экономической устойчивости и конкурентоспособности предприятий в условиях динамично меняющейся рыночной среды.

Ключевые слова: финансовая устойчивость, финансовый дефицит, оптимизация использования активов, резервы, капитал предприятия, обязательства.

STRENGTHENING THE FINANCIAL STABILITY OF ENTERPRISES

PhD **Abdullaeva Sevarakhon**
Fergana State Technical University

Abstract. *The article examines the key directions for strengthening the financial stability of enterprises in the textile industry. Particular attention is paid to the development and implementation of measures aimed at mitigating financial risks, optimizing the use of assets, and improving the efficiency of capital and reserves management. The study highlights the importance of introducing a KPI-based system to ensure systematic monitoring of the implementation of these measures and the achievement of targeted results. The proposed approach contributes to enhancing long-term economic resilience and competitiveness of enterprises in a rapidly changing business environment.*

Keywords: *financial stability, financial deficit, asset utilization optimization, reserves, enterprise capital, liabilities.*

Кириш.

Корхонанинг молиявий барқарорлиги унинг рақобатбардошлиги ва барқарор ривожланиши таъминловчи асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич корхонани ички ва ташқи беқарорлик шарт-шароитларида самарали фаолият юрита олиши, ўз мажбуриятларини белгиланган муддатларда бажариши, ликвидлиликнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш учун етарли ҳисобланган даражасини таъминлай олиши ҳамда корхона учун мақбул шартларда молиялаштириш манбаларини жалб этиш қобилиятларини ифодалайди. Шунга кўра, фикримизча, иқтисодий жараёнлар узлуксиз такомиллашиб бораётган, жаҳон бозорининг ноаниқлик ва инқирозга учрашнинг юқори хатарлари мавжуд бўлган ҳозирги шароитда корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодчи олимлар Абрютин ва Грачёв (1998) молиявий барқарорликни молиявий мувозанат сифатида ифодалайди. Крейнина эса корхонанинг молиявий барқарорлигини унинг барқарор молиявий ҳолати сифатида характерлайди, Русак (2001) ушбу тушунчага корхонанинг узоқ муддатли тўловга қобиллик хусусиятини киритган, Бочаров (2025) корхонанинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқни унинг молиявий фаровонлигининг ҳал қилувчи мезонидир деб ҳисоблаган. Корхонанинг молиявий барқарорлиги тушунчаси асосида унинг тўловга ва кредит олишга қобиллигини, яъни молиявий жиҳатдан рақобатбардошлигини, капиталдан ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни, давлатга ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан мавжуд мажбуриятларни бажара олиши тушуниланган.

Корхона молиявий барқарорлигини таъминлашга оид муаммолар ҳамда корхоналарнинг молиявий ҳолатини баҳолаш ва бошқаришга оид масалалар Емельянова (2022), Фурсина ва Комогорцеваларнинг (2012) илмий тадқиқот ишларида ёритилган. Молиявий барқарорлик бўйича тадқиқотларни амалга ошириш учун зарурий назарий ва методологик базани етакчи иқтисодчи олимлардан Ковалев, Привалов (2000), Баканов, Сайфулиннинг (1996) илмий-тадқиқот ишлари шакллантирган.

Молиявий ҳолат корхона қандай молиявий воситалардан фойдаланишини ва ишлаб чиқариш жараёнида улар билан қандай ўзгаришлар содир бўлишини ифодалайди. Ушбу маълумот корхона учун ўз фаолиятини узоқ муддатли вақт оралиғида самарали амалга ошириш учун зарурдир. Иқтисодчи олим Маркаръян

фикрига кўра, молиявий ҳолат “Муайян даврда корхона бошқа хўжалик юритувчи субъектлар олдидаги мажбуриятларни қоплай олишга қодирми?” деган саволга жавобни ёритиб берувчи бир қатор кўрсаткичларни ифодалайди. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, корхонанинг молиявий фаолияти таркибига активларни шакллантириш, улар ҳаракати ҳамда таъминоти киради. Молиявий ҳолат – бу корхонанинг барча молиявий тизимининг таркибий қисмларининг ўзаро муносабатидан олинган якуний натижа ёки капиталнинг доиравий айланиши, мулкни сақлаш ва ишлатишда назоратни амалга ошириш жараёнида эришилган натижадир.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада мантиқий фикрлаш, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Тадқиқот доирасида корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун таклиф этилган чора-тадбирлар комплекс (кенг қамровли) бўлиб, улар нафақат ишлаб чиқариш ресурсларини оптималлаштиришни, балки капитал таркиби ва мажбуриятларни самарали назорат қилишни ҳам кўзда тутди (1 – жадвал).

Молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг устивор йўналишларидан бири активлар таркибини оптималлаштириш ҳисобланади, хусусан, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жарёнларида фойдаланилмайдиган ёки паст самарадорлик кўрсаткичларига эга бўлган узоқ муддатли активлардан воз кечиш (Абдуллаева, 2021; 2024с). Бундай активларни сотиш ёки ижарага бериш уларни сақлаш, амортизация каби бир қатор операцион харажатларни камайтириш билан бирга, жорий мажбуриятларни қоплаш ёки қисқа муддатли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирилиши мумкин бўлган молиявий маблағлар оқимига эришишга имкон беради. Ушбу тадбир айланма капиталнинг айланиш тезлигини ва корхона балансининг ликвидлигини оширишга хизмат кўрсатади.

Кейинги йўналиш товар моддий захираларни назорат қилишни оптималлаштириш билан боғлиқ. Корхонанинг омборхонасида сақланаётган ортиқча, ноликвид ёки фойдаланиш муддатидан ўтиб кетган захиралар “ўлик капитал”ни шакллантириб, жорий активларнинг доиравий айланишини пасайтиради ҳамда сақлаш харажатларини оширади. ABC/XYZ – таҳлили тизимини, захиралар назоратини автоматлаштириш, ноликвид захиралардан воз кечиш тизимларини ҳамда “Just-in-time” каби ишлаб чиқариш ёндашувини жорий этиш товар-моддий захиралар сифатида музлатилган ресурслар улушини камайтиради ва капитал айланишини тезлаштиради. Бу эса пул оқимларини оширишга тўғридан тўғри таъсир кўрсатади.

Молиялаштириш манбалари таркибида ўз капитали улушини ошириш барқарорликни мустаҳкамлашдаги яна бир муҳим стратегик омиллардан бири ҳисобланади. Дивиденд тўловларининг улушини камайтириш ва соф фойдани корхонани ривожлантириш учун йўналтириш асосида корхона ўз айланма капиталини оширишга ҳамда молиявий мустақиллик коэффициенти яхшилашга эришади. Бу, ўз навбатида, қарздорлик босимини камайтиргани ҳолда фаолиятнинг инвестицион жозибаторлигини оширади.

Корхоналарда молиявий танқислик (ликвидлиликнинг камайиши) юзага келган шароитда одатда ушбу муаммонинг ечими сифатида қисқа муддатли қарз маблағларини жалб этади. Лекин, бунинг натижасида молиявий қарздорлик юкининг ошиши ва

тўловга лаёқатсизлик хавфи юзага келади. Бу каби муаммоларни олдини олиш мақсадида қисқа муддатли қарзларни ўзаро корхона учун мақбул шартларда нисбатан узоқроқ муддатга ўтказиш ёки кредит таркибини ўзгартириш асосида имтиёзли даврга эга бўлиш корхона учун қарз юқини маълум бир муддатга камайтиради. Ушбу давр мобайнида эса мавжуд жами капитал ишлаб чиқариш самарадорлигини оширган ҳолда фойдани кўпайтиришга йўналтирилиши лозим. Аммо, қисқа муддатли қарзларни узоқ муддатли қарз мажбуриятларига ўзгартиришда томонлар ўртасида келишилган шартлар корхона учун ҳам манфаатли бўлишига алоҳида эътибор қаратиш зарур (Абдуллаева, 2024a; 2024b).

Корхонанинг молиявий ҳолатини барқарорлаштиришдаги яна бир муҳим, лекин узоқ муддатли омиллардан (йўналишлардан) бири тушумни ошириш ҳисобланади. Жаҳон бозори талабига мос бўлган, шу билан бирга корхона учун янги ҳисобланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни жорий этиш, истиқболли бозорларда савдони амалга ошириш, бизнес-жараёнларни рақамлаштириш ҳамда сотиш каналларини (географиясини) кенгайтириш корхонанинг даромадлилигини ошириш ва капиталнинг барқарор ўсишини таъминлаш имконини беради. Ушбу чора-тадбирлар корхонадан узоқ вафт ва инвестицион маблағларни жалб этишни талаб этсада, лекин истиқболда ташқи манбаларга қарамликни сезиларли даражада камайтиради.

Барқарор молиявий ҳолатни таъминлаш учун қисқа муддатли мажбуриятлар улушини доимий равишда назорат қилиб бориш уларни белгиланган меъёрдан ошиб кетиши ҳамда кассадаги узулишлар каби молиявий хавфларни юзага келишини олдини олади. Шунга кўра, корхона тўлов қобилиятларнинг белгиланган ижобий кўрсаткичларини сақлаб қолиш учун қисқа муддатли мажбуриятлар қатъий назорат остига олиниши лозим. Молиявий хавф-хатарлар ва молиявий узулишларни олдини олиш мақсадида қарздорлик бўйича меъёрларни жорий этиш, меъёрлардан четланишлар юз беришидан олдин огоҳлатириш тизимини ишлаб чиқиш, шунингдек, кредиторлик ва дебиторлик қарздорликни доимо назоратга олиш зарур.

Ва ниҳоят, молиявий барқарорликни таъминлашдаги фундаментал йўналиш молиявий режалаштириш ва пул оқимларини мунтазам назорат қилиш тизимини жорий этиш ҳисобланади. Ушбу тадбир ички ва ташқи бозор ўзгаришларини олдиндан башорат қилиш ҳамда уларга қарши ўз вақтида жавоб бериш имкониятини шакллантиради. Молиявий режалаштириш, хусусан, ҳар бир ишлаб чиқариш босқичи учун алоҳида белгилан бюджетни ишлаб чиқиш ва пул оқимларини режалаштириш барқарор молиявий ҳолатга эришиш учун муҳимдир.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш (ошириш)га қаратилган асосий тадбирларни шакллантириш ва асослашдан сўнг амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалардан бири – бу ушбу тадбирларнинг бажарилиши ҳамда улар асосида белгиланган натижаларга эришиш бўйича тизимли назоратни ташкил этиш ҳисобланади. Маълумки, корхонанинг иқтисодий фаолиятини самарали ташкил этиш мунтазам равишда олиб бориладиган мониторинг (текшириш)ларсиз, белгиланган кўрсаткичлардан оғишларни таҳлил қилишларсиз ҳамда юзага келган четланишларга оператив акс жавобларсиз амалга ошмайди. Шу мақсадда, фикримизча, корхонада ҳар бир йўналиш бўйича асосий ҳисобланган самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) ўз ичига қамраб олган ахборот панели (dashboard)ни яратиш мақсадга мувофиқдир. Бундай панел тадбирларни амалда жорий этиш динамикасини кузатиб бориш, заиф нуқталарни аниқлаш ва ўз вақтида иқтисодий нобарқарорликни юзага келиш хавф-хатарларига қарши чора кўриш имкониятларини шакллантиради (2 – жадвал).

1 – jadval

Тўқимачилик саноати корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминловчи тадбирлар мажмуи

№	Тадбир йўналиши	Амалга ошириш босқичлари	Муддат	Масъуллар	KPI кўрсаткичлари
1.	Активлардан фойдаланишни оптималлаштириш	- активларни инвентаризациядан ўтказиш; - бозор баҳосини аниқлаш; - ишлаб чиқаришда фойдаланмайдиган активларни сотиш ёки ижарага бериш учун тайёрлаш; - тадбирни амалга ошириш.	3-6 ой	Молиявий директор ва активларни бошқариш бўйича масъул	<ul style="list-style-type: none"> ✓ реализация қилинган активлар сони; ✓ йиғилган маблағлар миқдори (млн. сўм); ✓ сақлаш (техник-таъмирлаш) харажатларининг камайиши (%)
2.	Захиралар устидан назорат	- захиралар тузилишини таҳлил қилиш; - ABC / XYZ таҳлилни амалга оширишни жорий этиш; - хом-ашё ва материаллар харидларини оптималлаштириш; - корхона учун ликвид бўлмаган захираларни сотиш.	Доимий	Захиралар устидан назоратчи, сотиш бўйича раҳбар	<ul style="list-style-type: none"> ✓ захираларнинг доиравий айланишининг қисқариши (кун); ✓ ликвид бўлмаган захиралар улуши (%); ✓ захираларнинг камайиши.
3.	Ўз капитални ошириш	- дивиденд сиёсатининг таҳлили; - қайта инвестициялашни амалга ошириш учун асос тайёрлаш; - директорлар кенгаши даражасида қарорқабул қилиш.	1-2 йил	Бош директор, молиявий директор	<ul style="list-style-type: none"> ✓ ўз капиталининг (хусусий капиталнинг) ошиши; ✓ молиявий мустақиллик коэффициентининг ижобий деб белгиланган даражаси; ✓ қайта инвестицияланган фойданинг даражаси (%).
4.	Қисқа муддатли қарзларни узоқ муддатга ўтказиш	- молиявий институтлар билан музокара ўтказиш; - қисқа муддатли қарзларни узоқ муддатга ўтказиш шартларини кўриб чиқиш (баҳолаш); - янги келишувларни имзолаш; - қарз юқини мониторинг қилиб бориш.	3-6 ой	Молиявий директор, ҳуқуқий кўмак бўлими	<ul style="list-style-type: none"> ✓ узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг улуши (%); ✓ қисқа муддатли қарзларнинг камайиши (сўм); ✓ жорий ликвидлик коэффициентининг яхшланиши.
5.	Тушумни ошириш	- бозор ва мақсадли аудитори (сегмент) таҳлилни амалга ошириш; - “яшил” ишлаб чиқариш бўйича технологияни яратиш; - янги лойиҳаларни жорий этиш; - экспорт географиясини кенгайтириш.	2-3 йил	Ишлаб чиқариш бўйича директор, сотиш бўйича директор, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш бўйича масъуллар	<ul style="list-style-type: none"> ✓ тушумнинг ошиши (%); ✓ тушум таркибида янги маҳсулотларнинг улуши (%); ✓ сотиш географияси (худудлар сони/мамлакатлар).
6.	Мажбуриятлар устидан назоратни ўрнатиш	- қарз маблағларини жалб этиш бўйича чегараларни белгилаш; - қарз маблағлари устидан доимий мониторинг (назорат)ни ўрнатиш; - қарз маблағларидан унумли фойдаланиш йўналишларини белгилаш.	Доимий	Молиявий директор, бош бухгалтер	<ul style="list-style-type: none"> ✓ қисқа муддатли қарзларнинг камайиши (%); ✓ қарз маблағлари бўйича ўрнатилган чегараларга риоя этиш; ✓ ликвидлик коэффициентлари.
7.	Молиявий режалаштириш	- бюджетга қатий риоя этиш тизимини жорий этиш; - ходимларнинг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича тренинглар ташкил этиш; - пул оқимларини бошқариш тизимини қайта ишлаб чиқиш; - жараёнларни автоматлаштириш	6-9 ой	Молиявий директор, режалаштириш ва иқтисодий фаолият бўлимининг раҳбари	<ul style="list-style-type: none"> ✓ тасдиқланган бюджетнинг мавжудлиги; ✓ пул оқимлари бўйича башоратларнинг аниқлиги; ✓ назоратнинг доимийлиги.

KPI мониторингини амалга ошириш бўйича ахборот панели

№	Тадбир йўналиши	KPI кўрсаткичи	Прогнозли мақсадли кўрсаткич	Ҳақиқатда эришилган кўрсаткич	Четланиш	Ҳолати
1.	Активлардан фойдаланишни оптималлаштириш	Оптимал фойдаланиш натижасида жалб қилинган маблағлар (млн. сўм)	50	35	-15	△ Жараёнда
2.1.	Захиралар устидан назорат	Захираларнинг доиравий айланиши (кунда)	≤ 60	78	+ 18	● Эътибор қаратиш лозим
2.2.	Захиралар устидан назорат	Ноликвид активлар улуши (%)	< 10 %	12 %	+ 2%	● Юқори даражадаги хавф мавжуд
3.	Ўз капитални ошириш	Ўз капиталнинг (хусусий капиталнинг) ошиши	+ 20 %	+ 8%	- 12 %	△ Жараёнда
4.	Қисқа муддатли қарзларни узоқ муддатга ўтказиш	Узоқ муддатли қарзларнинг улуши	≥ 70 %	65 %	- 5 %	● Деярли белгиланган меъзонга эришилди
5.	Тушумни ошириш	Ишлаб чиқаришга жорий этилган янги маҳсулотлар эвазига тушумнинг ошиши (%)	+ 15 %	+ 5 %	- 10 %	● Жараёни тезлаштириш лозим
6.	Мажбуриятлар устидан назоратни ўрнатиш	Қисқа муддатли қарздорликнинг камайиши (%)	- 20 %	- 10 %	+ 10%	● Қисман бажарилган
7.1.	Молиявий режалаштириш	Пул оқимлари бўйича башоратларнинг аниқлиги (% лик четланиш)	≤ 5%	3 %	- 2 %	☑ Бажарилди
7.2.	Молиявий режалаштириш	Назоратнинг доимийлиги (ойда бир марта)	≥ 1	2	+ 1	☑ Бажарилди

Хулоса ва таклифлар.

Молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган юқоридаги тадбирларни самарали жорий этиш нафақат корхонанинг молиявий мустақиллигини, капиталдан унумли фойдаланишни ва пул оқимларини таъминлайди, балки юқори қўшимча қийматга эга бўлган якуний истеъмол учун йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш улушини оширади, шунингдек, ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошликга эга бўлиш имкониятини шакллантиради.

Корхонанинг молиявий барқарорлиги унинг рақобатбардошлиги ва барқарор ривожланиши таъминловчи асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич корхонани ички ва ташқи беқарорлик шарт-шароитларида самарали фаолият юрита олиши, ўз мажбуриятларини белгиланган муддатларда бажариши, ликвидлиликнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш учун етарли ҳисобланган даражасини таъминлай олиши ҳамда корхона учун мақбул шартларда молиялаштириш манбаларини жалб этиш қобилиятларини ифодалайди. Шунга кўра, фикримизча, иқтисодий жараёнлар узлуксиз такомиллашиб бораётган, жаҳон бозорининг ноаниқлик ва инқирозга учрашнинг юқори хатарлари мавжуд бўлган ҳозирги шароитда корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар /Литература/References:

Abdullayeva, S. (2025). TO'QIMACHILIK MAHSULOTLARINING BOZOR KON'YUNKTURASI TAHLILI. In *Ilg'or iqtisodiyot va pedagogik texnologiyalar*. <https://doi.org/10.60078/3060-4842-2025-vol2-iss3-pp985-990>

Абдуллаева, С. (2024b). “ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК” ТУШУНЧАСИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ҲАМДА УНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТИЗИМИ. In *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss12-pp242-249>

Абдуллаева, С. (2021). Тўқимачилик саноати корхоналарида иқтисодий барқарорликни таъминлаш масалалари. *Iqtisodiyot va ta'lim*, (1), 11–15. https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss1

Абдуллаева, С. (2024a). ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ. In *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss5-pp384-388>

Абдуллаева, С. (2024c). “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”ДА ESG РЕЙТИНГИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 2(8), 215–221. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss8-pp215-221>

Абрютин, М.С. ва Грачев, А.В. (1998). Анализ финансово-экономической деятельности предприятия. Учебно-практическое пособие. Москва: Дело и сервис. 255 с. ISBN 5-8018-0037-9.

Емельянова, Е.Ю. (2022). Агрегирование предпочтений на основе точного решения задачи о ранжировании Кемени. Диссертация кандидата наук. Томск.

Ковалев, А.И. ва Привалов, В.П. (2000). Анализ финансового состояния предприятия. 4-е изд., испр. и доп. Москва: Центр экономики и маркетинга. 204 с. ISBN 5-85873-046-9.

Кравченко, Л.И., ва бошқ. (2001). Теория анализа хозяйственной деятельности: Учебник для экономических специальностей вузов. Минск: Новое знание.

Леонтьев, В.Е., Бочаров, В.В. ва Радковская, Н.П. (2025). Финансирование и кредитование предприятий: учебник для вузов. 4-е изд., перераб. и доп. Москва: Издательство Юрайт. 183 с. (Высшее образование).

Фурсина, Ю.С., Комогорцев, В.И. ва Соколова, Е.Л. (2012). Определение понятия финансовой устойчивости для предприятий розничной торговли. Актуальные проблемы авиации и космонавтики, №8. Мавжуд: <https://cyberleninka.ru/article/n/opredelenie-ponyatiya-finansovoy-ustoychivosti-dlya-predpriyatij-rozничnoy-torgovli>

Шеремет, А.Д. ва Сайфулин, Р.С. (1996). Методика финансового анализа. Москва: ИНФРА-М. 172 с. ISBN 5-86225-131-6.

Шеремет, А.Д. ва Сайфулин, Р.С. (2015). Методика финансового анализа. Москва: ИНФРА-М.